# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 18 июнь, № 120 (6303) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ

мамлакатимиз саноат корхоналари эришаётган ютуқларда яққол ўз ифодасини топмоқда





МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Ўзбекистон ўз миллий модели асосида тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этиб, улкан бунёдкорлик ишлари, модернизациялаш жараёнлари орқали асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритмоқда. Пировардида юртимиз кун сайин равнақ топиб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора ошиб бораётир. Ваҳолонки, жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳали-ҳануз молиявий-иқтисодий инқирознинг оғир асоратлари кузатилаётган бир пайтда охирги ўн йилда республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаётгани қувонарли ҳолдир.*



Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилган пухта стратегия самаралари бугун ҳақли равишда дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганининг боиси ҳам шунда. Хусусан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолаш мезонларидан бири сифатида тан олинган Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайди. БМТнинг бу борадаги тавсиялари 0,35 — 0,37 атрофида эканлигини инобатга олсак, юқоридаги рақамлар халқаро стандартлар нуқтаи назаридан аҳолимизнинг ижтимоий фаровонлиги мунтасил ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Хонадонлардаги қулай шарт-шароитлар одамлар турмуш даражаси ва сифати, моддий аҳволи янада яхшиланиб бораётганини ифодаловчи барометр ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, охирги йилларда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангюткич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда. Шулар қаторида аҳолининг сўнгги русумдаги плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар ортди.

(Давоми 2-бетда).

## МУНОСАБАТ

*Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.*

# Кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

Энг аввало, Конституциямизда фуқароларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилди. Ана шундан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида таълим муассасаларининг қиёфаси кўркамлашиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Чунончи, Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 — 2016 йилларга мўлжалланган дастур ижроси айни чоғда изчиллик билан бажарилаётгани тизим ривожида муҳим омил бўлаяпти. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган эзгу мақсадининг ҳаётий ифодаларидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан юксалтиришни кўзда тутгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Фармонда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

## ДИЛ СЎЗИ

*Тинч ва осойишта юртда, яхши ният, эзгу амаллар оғушида яшашга нима етсин?! Бахтимиз шундаки, биз ана шундай хотиржамлик ҳукмрон мамлакатда яшаймиз. Буни ҳар биримиз теран англамоғимиз, қадрламоғимиз лозим. Зеро, осудалик бор жойда ҳар соҳада тараққиёт ва ривожланиш бўлади.*

# Эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи

Бинобарин, мустақиллик туфайли Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда, ҳар қадамда ўзгаришу янгиланишларни кўриб, кўзимиз қувнамоқда. Фарзандларимизнинг келажагидан кўнглимиз тўқ. Шу боис мамнуният билан айтамизки, истиқлол халқимиз учун чексиз имкониятлар эшигини очиб берди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 16 июнда қабул қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳам жонажон диёримизда инсон ва унинг манфаатлари устувор эканлигига яна бир далилдир.

Мазкур ҳужжатда қутлуғ ой давомида халқимизга хос эзгу фазилатлар — ўзаро меҳр-оқибат, саховат, мурувватлиликни кенг тарғиб этиш, азалий қадриятларимизни эъзозлаш, азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларини янада ободонлаштиришга алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, муборак Рамазон ойида ташкил этиладиган турли маросимларда элимизнинг янада бахтли, дастурхонларимизнинг бундан-да баракотли бўлиши ҳар биримизнинг эзгу ниятларимиз ва саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ эканлигини эсга олиб турсак, ушбу қарорнинг аҳамияти ниҳоятда бекиёслигини англаб етамиз.

Яхшиликнинг мукофоти ҳам фақат яхшилик бўлиб қайтади. Шу маънода, мана шу муаззам кунларда ўзгалар кўмагига муҳтож юртдошларимизга кўрсатиладиган мурувватнинг савоби ҳам каттадир. Зотан, қарорда таъкидланганидек, ушбу қутлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улуғ инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шуни беҳад фахр билан таъкидлашимиз лозимки, юртимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимиз турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топмоқда. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан мусулмонларнинг диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Электрон тижорат соҳасидаги муносабатлар такомиллаштирилди

*Шу йилнинг 23 май куни матбуотда янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.*

## ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Мазкур Қонун Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонунни тайёрлаш жараёнида соҳага оид халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунлари кенг таҳлил этилди.

Ўрганишларга қараганда, электрон тижорат соҳасидаги муносабатлар АҚШ, Жанубий Корея, Сингапур, Австралия, Канадада электрон тижорат ва электрон рақамли имзони тартибга солувчи алоҳида қонунлар, Италияда электрон ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ҳиндистон, Болтиқбўйи ҳамда МДҲга аъзо мамлакатларнинг аксариятида эса, фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидалари ва ахборот технологиялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинган.

Янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган. Унинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Яккабоғ туманидаги "Дармон фарм" хусусий корхонасига 300 минг евролик сармоя эвазига Европа давлатларидан мевани қайта ишлаш дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.*

## Сархил мевалардан шарбатлар

Ушбу замонавий ускуналар ёрдамида беш турдаги табиий мева шарбатлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, корхонага қарашли 18 гектар майдонда интенсив боғ ташкил қилиниб, хориждан келтирилган 37 минг туп олма кўчати ўтқазилди. Келгуси йилда ҳосилга кирадиган ушбу боғда ҳозир ниҳоллар орасида картошка ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Самарқанд шаҳрида лойиҳа қиймати 500 минг АҚШ долларилик "Samarqand-Turkiston-do'stlik" қўшма корхонаси фаолият бошлади.*

## Инвестиция ҳажми кўпаймоқда

— Дастлабки босқичда бетон ва темир-бетон маҳсулотлари ҳамда металл конструкциялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона директори ўринбосари Файзулло Файзиев. — Шу билан бирга, буюртмачи истагига кўра, йирик қурилиш ашёларини иншоотларга ўрнатиб ҳам бераяпмиз. Эндиликда асфальт заводи ҳамда муқобил энергия асосида пишиқ ғишт тайёрлашга мўлжалланган технологик линияни ишга тушириш ҳаракатидамиз.

Эътироф этиш керакки, 50 кишининг бандлиги таъминланган мазкур ишлаб чиқариш субъекти вилоятда хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган бир юз тўқсон иккинчи корхонадир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Наманган шаҳридаги "Grand Mans wear" масъулияти чекланган жамиятига хорижнинг замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилгач, маҳсулот сифати тубдан яхшиланди. Тайёрланаётган олти турдаги кўйлакларга талаб ҳар қачонгидан ошди.*

## Дастур бехато ишлайди

Бу ерда модернизациялаш жараёнида ўрнатилган "Juki" русумли 10 та тикув машинаси тўлиқ компьютерлаштирилган. Унга мутахассис томонидан киритиладиган махсус дастурда либос ўлчами ва модели акс эттирилади. Бу эса дастгоҳ бошқарувчиси ишини енгиллаштириш баробарида, технологик жараённинг бекаму кўст бажарилишини таъминлайди. Ушбу лойиҳа рўёби туфайли корхона қуввати икки баробар ортиб, 14 та қўшимча иш ўрни яратилди.

— Янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни бошлаб юбордик, — дейди корхона раҳбари Исроил Исомиддинов. — Жорий йилнинг беш ойи мобайнида жамоамиз томонидан истеъмол бозорига 350 миллион сўмликдан зиёд юқори сифатли либослар етказиб берилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Сирдарё туманидаги "AWP" қўшма корхонасида сантехника жиҳозлари савдосидан олинаётган даромаднинг 3 фоизи янги турдаги маҳсулотлар яратиш ҳамда инновацион лойиҳалар рўёбига йўналтирилмоқда.*

## Жаҳон стандартларига мос

Яқинда бу ерда жаҳон стандартларига мос тадқиқот ва синов маркази ташкил этилди.

Пировардида изчил технологик янгиланишлар туфайли "AWP" маҳсулотлари халқаро сантехника воситалари ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг мукофотига сазовор бўлди.

— Жорий йилда буюртмачиларимизга 400 минг АҚШ долларилик сантехника воситаларини етказиб бердик, — дейди қўшма корхона бош директори Комил Мирзаев. — Дастгоҳларимиз йилига 1 миллион 200 минг донагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу эса йил охирига қадар экспорт кўрсаткичларимиз янада ортишини англатади.

Айтиш лозимки, мазкур саноат объекти мамлакатимиздаги сантехника эҳтиёт қисмлари тайёрлашга ихтисослаштирилган илк йирик корхона ҳисобланади. Маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилган ушбу лойиҳа юртимиз бозорини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, уни экспорт қилиш имкониятини ҳам яратди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, ти ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари жадал кириб бораётганини қайд этиш жоиз. Мазкур ҳужжатда ҳам олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши зарурлиги кўзда тутилди. Шубҳасиз, бу мамлакатимиз таълим тизими ривожини янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

# Кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

дастур ҳамда услубларини тубдан янгилашга оид чора-тадбирлар ўз ифодасини топди. Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратади, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини мунтасил ривожлантириб боришини талаб этади. Негаки, бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир.

Фармонда қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, ушбу курсларда машғулотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражада ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ҳамда моддий-техник базани шакллантириш лозимлиги қайд этилди. Бу саъй-ҳаракатлар, албатта, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида юксак малакали ва етук мутахассисларни етиштириб бериш, олий таълим тизимини том маънода мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим омилга айлантириш, қолаверса, кадрлар тайёрлаш тизимининг сифатини ошириш масаласига эътиборни кучайтириш айни заруратдир.

Олий Мажлис Сенати, хусусан, қўмитамиз қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятида Фармонда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратади. Бинобарин, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг сўзсиз рўёбга чиқарилишида парламент аъзолари ҳам фаол иштирок этиши, бугунги кунда кенг қўлланилаётган парламент назорати тадбирларида олий таълим сифа-

Мухтасар айтганда, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши келажак авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишига, илғор фан ва техника ютуқларимиз, илмий лойиҳаларимиз дунёда эътироф этилишига замин яратади. Зеро, таълим ва тарбия устувор мамлакатда беқиёс янгиланишлар тобора юксак бўй чўзади.

**Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# Электрон тижорат соҳасидаги муносабатлар такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонунда “электрон тижорат” тушунчасига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси, деб таъриф берилган бўлиб, унинг асосий принциплари электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги, электрон тижоратда иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги, электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига қаратилган.

Қонунга биноан, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати ушбу соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Давлат электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соҳага инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш, электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини юксалтириш каби вазифаларни, шунингдек, электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Қонунда ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Унга кўра, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у электрон тижорат соҳасида махсус ваколат берган давлат органи амалга ошириши белгиланди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди, бу соҳадаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва рўёбга чиқаради, давлат органларининг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни олиб боради.

Ўз навбатида, махсус ваколатли давлат органи бу соҳадаги давлат дастурларини шакллантиради ва амалга оширишда иштирок этади, бошқа манфаатдор давлат органлари ва ўзга ташкилотлар билан биргаликда, ўз ваколатлари доирасида электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди. Шунингдек, соҳани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, бу борада тадқиқотлар ва мониторингни ташкил этади.

Албатта, ушбу муносабатларни тартибга солишда “электрон тижорат иштирокчиси” ва “ахборот воситачиси” муносиб ўринни эгаллаганлиги боис Қонунда уларнинг фаолиятига ҳам аниқлик киритилди. Жумладан, Қонунга кўра, “электрон тижорат иштирокчиси” деганда электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилса, “ахборот воситачиси” деганда эса, электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахс тушунилади.

Бундан ташқари, Қонунда электрон тижоратдаги шартнома шартлари, бундай шартномани тузиш ва бажариш, электрон тижоратда офертага қўйиладиган талаблар, электрон тижоратда давлат харидлари ва корпоратив харидларни амалга ошириш, электрон тижоратда шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш масалалари ҳам акс этди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг мазмуни аввалгисидан бирмунча кенгайтирилиб, бир қатор янги моддалар қўшилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, аввалги таҳрирдаги Қонунда электрон тижоратнинг асосий принциплари, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати, электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, Ҳукумат ва махсус ваколатли давлат органининг бу соҳадаги ваколатлари, электрон тижоратдаги электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг юридик кучи ва бошқа шу каби нормалар назарда тутилмаган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда эса ушбу масалалар ўзининг ҳуқуқий ечимини топган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонун, аввало, электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтаришда, шунингдек, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, қонун савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (транзакцион харажатлар)ни камайтиришга, электрон тижорат субъектларининг бири-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор равишда шартномавий муносабатларни ўрнатишга, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга хизмат қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент.**

## Ўзбекистон ёшлари:

# БАРКАМОЛ ВА ТАШАББУСКОР

*“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, ахлоқи, маданиятига оид социологик сўров ўтказилди. Сўров давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилди.*

ИЖТИМОИЙ ФИКР



Ўрганишлар шуни кўрсатдики, таълим мамлакатимиз ёшлари учун жуда долзарб аҳамиятга эга қадрият ҳисобланади. Масалан, 2010 ва 2011 йилларда ўтказилган тадқиқотларда навқирон авлоднинг учдан бир қисми, 2012 йилда эса ҳар икки нафаридан бири (57,2 фоизи) олий маълумотли бўлиш истагини билдирган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 73 фоизга етди.

Респондентларнинг қайд этишича, диёримиз йигит-қизлари хориж тилларини ўрганишга катта эътибор қаратмоқдалар. Уларнинг фикрича, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада катта ўрин тутади.

Айни пайтда компьютерни сўров иштирокчиларининг ҳар тўрт нафаридан бири эркин, ҳар учинчиси эса дастурий фойдаланувчи даражасида бошқара олади.

Ёш авлод вакиллари ўзларида маънавий-ахлоқий фазилатларни юксалтиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнашини қайд этишган. Улар оилани ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишида асосий тарбия маскани, деб биладилар. Сўров иштирокчилари аксариятининг фикрича, оила маънавий-ахлоқий баркамолликка эришишда етакчи ўрин тутади.

Ўрганиш натижаларига кўра, спорт ёшларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг асосий турига айланган. Бу Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати самарасидир. Йигит-қизларнинг 80 фоизидан зиёди спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Кўриниб турибдики, ёш авлод ўртасида спорт тобора оммавийлашиб бораётир.

Социологик тадқиқот давомида ёшлар онги ва тафаккури сезиларли даражада ўсгани намоён бўлди. Бу уларда дунёқараш кенгайиб бораётгани, юртпарварлик, Ватанидан фахрланиш ва унга содиқлик туйғуси юксалаётганидан далолатдир.

Ёшларимизнинг 94,3 фоизи истиқлол йилларида навқирон авлод вакилларида ватанпарварлик туйғуси мустаҳкамланганини эътироф этди. Уларнинг фикрича, ушбу фазилат Ватанга муҳаббат ва садоқат, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, буюк келажаги учун курашиш ўз халқининг тарихи, маданияти ва урф-одатларини билиш ҳамда ҳурмат қилишда намоён бўлади.

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, ахлоқи ва кайфиятидаги ўзгаришларни кўп йиллар давомида ўрганиш шуни кўрсатдики, истиқлол йилларида йигит-қизларимиз онги ҳамда қалбида фаол ҳаётий позиция, мустақиллик, мақсадга интилувчанлик, дахлдорлик каби устувор қадриятлар шаклланди. Бу уларнинг миллий ўзликни англаши ва барқарор ижобий фуқаролик кайфиятида ҳам ўз аксини топмоқда.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида**
**С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**

Мазкур тадқиқот ёшларимизнинг мутлақ кўпчилиги ҳаётидан мамнун эканлиги ва она-юртидан фахрланишини ёрқин намойиш этди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тарихий меросимиз қайта тикланди, инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган Ислом дини таълимотларидан элимиз яна баҳраманд бўла бошлади.

Истиқлол неъмати боис, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга янгича чирой очмоқда. Айниқса, пойтахтимизда қад ростлаётган замонавий иншоотлар, кўприклар мамлакатимиз гўзаллигига янада файз бахш этмоқда. Шунинг баробарида,

# Эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи

кўҳна Минор мавзесида муҳташам масжиднинг фойдаланишга топширилгани ҳам эл-улуснинг қувончига қувонч қўшди.

Буларнинг барчаси муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган оқилона сиёсат мевасидир. Бунинг учун Истиқлолни қадрламоғимиз айни муддаодир. Алҳол, мустақиллик халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк неъматдир.

Шундай экан, улуғ кунларда ният қиламизки, Аллоҳ таоло юртимиз фаровонлигини зиёда қилсин, тинчлигимиз барқарор бўлсин. Истиқлолимизнинг нурафшон ёғдуси қалбларимизни мунаввар айлайверсин.

**Шайх Абдулазиз МАНСУР,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

# ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ

## мамлакатимиз саноат корхоналари эришаётган ютуқларда яққол ўз ифодасини топмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Қисқа вақт ичида ҳаётимизга, деярли ҳар бир оилага энг замонавий мобиль телефонларнинг бир неча янги авлоди, ноутбуклар, тюнерлар, DVD приставкалари, сунъий йўлдош орқали фаолият кўрсатадиган ва кабелли телевидение, духовкали электр печлар, музлаткич камералар, сув иситиш бойлерлари ва бошқа мутлақо янги, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб келди. Бугун биз бу нарсаларга унчалик эътибор ҳам бермаймиз ва уларни одатдаги буюмлар сифатида қабул қиламиз. Ҳолбуки, йигирма йил аввал бундай ашёлар ҳақида ҳеч нарса билмасдик, ҳозирги кунда эса уларсиз ҳаётимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксариятини мамлакатимиз корхоналарида ўзимиз ишлаб чиқараяпмиз”.



Дарҳақиқат, юртимизда саноат ривожига қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган қулай сармоявий муҳит ҳамда соҳа вакилларига берилаётган қатор преференциялар шарофати билан мазкур тармоқ жадал равнақ топмоқда. Тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ошиб, Маҳаллийлаштириш дастури ижроси изчил таъминланаяпти. Бозорларимиз ўзимизнинг сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилиб, мамлакат экспорт имкониятлари кенгаймоқда.

Бунда “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, ушбу ташкилот корхоналари томонидан амалиётга татбиқ этилаётган кўплаб истиқболли лойиҳалар туфайли импорт ўрнини босувчи юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўлами тобора ошаяпти. Бунда ушбу жабҳага ISO тизими бўйича сифат менежменти тўла татбиқ этилгани муҳим мезон бўлаётир. Натижада қисқа вақтда қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Тармоқлараро кооперация муносабатларини ривожлантириш, Жанубий Корея, Хитой каби давлатларнинг машҳур компаниялари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик, улардан замонавий технологиялар олиб келиниб, тежамкор технологик қурилмалардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилиши ана шу муваффақиятларда ҳал қилувчи омил бўлди. Чунончи, мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари тайёрлаш йўлга қўйилгани ҳар биримизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

— Ҳозирги кунда мобиль телефонларнинг 15 дан ортиқ моделини харидорларга етказиб бераяпмиз, — дейди “Artel” русумидаги мобиль телефонлар ишлаб чиқариш корхонаси бошқарувчи директори Алишер Совуров. — Келгусида бу кўрсаткични янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Ушбу маҳсулотлар сифати, функциялар мажмуи, технологик тузилиши ва замонавий дизайни, арзон нархи билан импорт қилинадиган муқобиллари билан бемалол рақобатлаша олади.

Пойтахтимиздаги “Eco Elektron” шуъба корхонаси фаолиятида ҳам ана шундай инновациялар кўзга яққол ташланади. Негаки, бу ерда Ўзбекистонда биринчи бўлиб маиший техника воситалари — газ плиталари, мини духовкалар ва кондиционерлар етказиб бериш йўлга қўйилди. Ўз навбатида, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жалб этган ҳолда элликдан зиёд иш ўрни ташкил қилинди.

“Indigo Electronics” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонада эса олти русумдаги кир ювиш машиналари ўзлаштирилди. Бу ерда дастлаб 40 киши билан фаолият бошланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. Бунда қисқа вақт ичида мавжуд имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнлари кенгайтирилгани, янги моделлар етказиб бериш йўлга қўйилгани катта роль ўйнади.

— Ўқишни тамомлаб, ана шу замонавий корхонага ишга кирдим, — дейди ёш мутахассис Суннат Раҳимов. — Бундан оиламиздагилар жуда хурсанд бўлишди. Коллежда олган билимларим иш фаолиятимда жуда асқатаётганини айтмайсизми?! Бор салоҳиятимизни ишга солиб, маҳсулот бекаму кўст чиқиши учун ҳар бир юмушни кунт ва синчковлик билан бажараяпмиз. Бугун жамиятда муносиб ўрин топиб, оиламга наф келтираётганимдан фахрланаман.

— Жабҳадаги эзгу изланишлар давом эттирилаяпти, — дейди “Ўзэлтехсаноат” АК бўлим бошлиғи Азизбек Қурбонов. — Бунда Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари мустаҳкам асос бўлмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг ўтган йил 6 февралдаги “2014 — 2018 йилларда бошқарувни ташкиллаштиришни такомиллаштириш ва республика электротехника саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг бу борадаги ўрни ниҳоятда катта. Унда илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноатини барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Бу келгусида корхоналарнинг электроника маҳсулотлари, оилаларнинг эса сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминланишининг ёрқин истиқболи демакдир.

Кўриниб турибдики, республикамизда электротехника саноатида олиб борилаётган ишлар ва қўлга киритилаётган кўрсаткичлар салмоқли. Бинобарин, мустаҳкам ҳуқуқий-ташкилий база асосида жабҳа тармоқларида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, техник ва технологик янгилаш жараёнлари изчил олиб борилиб, маҳаллий ишбилармонлар ҳамда хорижлик сармоядорларга янада кўпроқ имтиёзлар тақдим этилаверади. Шуларга монанд равишда маҳсулотлар рақобатдошлиги янада мустаҳкамланади.

Буларнинг барчаси одамларимиз турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, дунёқарашини ўзгартириш, муносиб маиший шароитлар яратиш, уй-рўзғордаги ишларни енгиллаштириш, энергия ва ресурсларни тежовчи янги технологияларни амалиётга жадал киритиш, қимматбаҳо валюта маблағлари тежаш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Айни чоғда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган бренд обрўсини оламаро янада кенг ёяди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Таннарх арзонлашди

*Узун туманида фаолият юритаётган “Энергоқурилишмаҳсулоти” масъулияти чекланган жамияти жамоаси мамлакатимиздаги электр тармоқлари корхоналарига 6 турдаги темир-бетон таянчлари етказиб бермоқда.*

ИНТИЛИШ

— Кунига 50 донагача маҳсулот тайёрлашга эришаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Нўъмон Мелибоев. — Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш суръатини ошириш ҳамда унинг таннархини арзонлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Натижада қурилиш ашёларимизга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, 51 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада жорий йилнинг ўтган даврида буюртмачиларга 1,5 миллиард сўмлик темир-бетон маҳсулотлари етказиб берилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Хонқа туманида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ ёш оилалар яқинда қуриб битказилган “Камолот” уйига кўчиб ўтди.




*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилгани бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Негаки йўл-транспорт инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожланаётгани иқтисодиётимиз тараққиётида тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти. Бунда Президентимизнинг соҳа истиқболига қаратилган қатор Фармон ва қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.*

# Иқтисодий салоҳиятимиз кўзгуси

Таъкидлаш керакки, йўл-транспорт инфратузилмаси равнақи юртимиздаги энг узун йўллар ҳисобланган автомобиль йўллари қурилиши ва уларни жаҳон андозаларига мос равишда реконструкция қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда умумий фойдаланувда бўлган халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги 42654 километр автомобиль йўли мавжуд бўлиб, шаҳар ҳамда туманларнинг ички йўллари бундан мустасно. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Шунинг учун 2014 йилда тизимда бунёдкорлик ишлари янада кенгайтирилиб, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирлари тўлиқ якунланди. 116 километрдан иборат икки тасмали йўл эса кенгайтирилиб, тўрт тасмали қилиб қайта қурилди. Бу, ўз навбатида, ушбу йўлларда қатновни 3 баробар ошириш имконини берди.

Дарҳақиқат, ўтган йили умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари олдинги йилдагига нисбатан 2,1 марта ўсиб, 946 километрни ташкил этди. Бундан ташқари, бевосита "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги пудратчи ташкилотлар томонидан республикамизнинг 69 та объектида узунлиги 283 километрлик автомобиль йўли қайта қурилиб, реконструкция қилинди. Масалан, "Самарқанд — Қарши" йўналишидаги автомобиль йўлининг 79 километрида тўрт полосали асфальт-бетон қопламаларни ётқизиш ишлари якунига етказилди. Фарғона вилоятида жойлашган 4Р-143 "Фарғона — Қувасой" йўлининг 0-5,5 километрлари оралиғини қайта қуриш ишлари сўнгги босқичга етди. Қолаверса, бугунги кунга қадар Жиззах вилоятида 38, Сирдарё вилоятида 11, Бухоро вилоятида эса 10 километр йўл қайтадан қурилди.

Худди шунингдек, пойтахтдаги кичик ҳалқа йўлининг Олмазор ва Шайхонтоҳур туманлари ҳудудидан ўтган қисмида, Беруний ва Хуршид кўчаларини боғлайдиган, Форобий, Қорасарой, Сағбон, Себзор ва Лабзак кўчаларини ўзаро туташтирган 5,1 километр узунликдаги янги Нурафшон кўчаси бунёд этилгани Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратди.

Компания тизимидаги корхоналарнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ишлар кўламини йил сайин кенгайтириш имконини бераяпти. Узоққа бормайлик, биргина 2014 йилда тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан жами 536 дона замонавий йўл қурилиш техникаси харид қилинди. Уларнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилган "MAN", "Isuzu" русумидаги махсус техникалар эканлиги диққатга сазовордир.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларни жиҳозлаш ишлари ҳам асло сусайтирилгани йўқ. Ўтган йили 24448 дона эскирган йўл белгиси алмаштирилгани, 25 минг километрдан зиёд йўлларда йўл чизиқлари қайтадан чизилгани, 608 та автобус тўхташ майдончаси ва 764 та автобус бекати, 804 километр узунликдаги пиёдалар йўлакчалари таъмирлангани бунга яққол далилдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, соҳада эришилаётган бу каби ютуқлар билан бирга, ҳали бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳам талайгина. Уларни амалга оширишда Президентимизнинг 2015 йил 6 мартдаги "2015 — 2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникацион ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим ўрин тутади.

Гап шундаки, ушбу қарорга мувофиқ, 2015 — 2019 йилларда Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўллари қисмлари ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини техник ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан беш йил давомида Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи, умумий ҳисобда 1227,8 километр узунликдаги автомобиль йўллари ва ундаги транспорт ечимлари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларни қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Натижада Ўзбекистон миллий автомагистралида олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача бўлган автомобиль йўллари жаҳон стандартлари талабларига мос даражада янгиланади.

Ўз навбатида, 4 минг километрдан зиёд хўжаликлараро йўллар, қарийб 2 минг километр шаҳар, қишлоқ ва туман марказлари кўчалари таъмирланиши ҳам режалаштирилган.

Мазкур ҳужжат "Ўзавтойўл" компанияси таркибига кирувчи саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида янги уфқларни очиб бермоқда. Сабаби, унга асосан, 28 жамланмада асфальт-бетон, цемент-бетон заводлари, бетон қориш ускуналари, тош майдалаш ва саралаш линиялари ҳамда бошқа техникалар харид қилинади.

Умуман олганда, 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг амалиётга жорий этилиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий самаралари билан ҳам ғоятда аҳамиятлидир. Чунончи, биргина "Ўзавтойўл" ДАК тизимида 1,5 мингта янги иш ўрни яратилиши, 5,5 мингга яқин коллеж битирувчиларини тизимдаги корхона ва ташкилотларга жалб этиш имконияти пайдо бўлиши шундай дейишимизга асос бўла олади.

Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилганининг яна бир амалий тасдиғидир.

**Шуҳрат НАЗАРОВ,**
**«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси ўринбосари.**

# Муқобил энергия манбаи

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Абдурауф Абдуғаффоров чиқиндидан электр энергияси ҳосил қилувчи ускуна яратди.*

ИЗЛАНИШ

Тадқиқотчи ўсимлик ҳамда турли саноат қолдиқларини вакуум шароитида қиздириш орқали ундан катта миқдорда энергия олиш мумкинлигини амалда синаб кўрди.

— Ўчоқда ёқилган ўтиндан ажраладиган иссиқликнинг 95 фоизи ҳавога чиқиб кетишини кўпчилик билмайди, — дейди ёш ихтирочи. — Тандирда ҳам ёқилғининг фойдали иш коэффициенти 7 фоизни ташкил қилади. Устозим Раҳим Раббимов кўмагида яратган ускунам ана шу бесамар кетадиган энергиядан юз фоиз фойдаланиш имконини беради. Унда дастлаб чиқиндилар 10-15 фоиз қуритилиб, сўнг вакуум шароитида қиздирилади. Йигирма дақиқа ўтгач, ундан пиролиз гази ажралади. Кейинроқ кўмир брикет ва ниҳоят, қайта ишлаш жараёнида суюқ ҳолдаги бионефть ажралиб чиқади.

**М. АҲАДОВ.**


**БИЛДИРИШ.**

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиали маъмурияти «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 12 июндаги 116-сонида чоп этилган хабарномага қуйидаги ўзгартиришларни киритмоқда:**

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай қишлоғи ва Марғилон шаҳри, «Янгиобод» МФЙ, Али Қушчи кўчасида жойлашган кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси санаси 2015 йил 30 июндан 26 июнга кўчирилди. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 24 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**2.** Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлашлари шарт, деб ўқилсин.

874R/34

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

ЭЪЛОНЛАР

NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**халқаро пластик карта эгаларига хизмат кўрсатиш мақсадида мобиль терминалларнинг дастурий таъминоти ва ПИН-клавиатуралари билан биргаликда харид қилиш бўйича очиқ тендер эълон қилади.**

**Қизиқиш билдирган ускуна етказиб берувчилардан тендерда қатнашиш учун буюртманомаларни 2015 йил 2 июль куни соат 17.00 гача қуйидаги манзилга тақдим этишларини сўраймиз: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Пул муомаласи департаменти.**

**Телефонлар: (0-371) 234-02-61, 235-56-66. Факс: (0-371) 235-09-22.**
**E-mail: HHalikova@central.nbu.com**

**Буюртманома шаклини олиш ва тендер шартлари билан танишиш учун юқоридаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.**

**Алоқада бўлувчи шахслар — Халикова Хуршида Талатовна, Нам Евгений Платонович.**

Хизматлар лицензияланган

881A/75

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 3 мартдаги 10-1510/394-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Оҳангарон шоҳкўчаси, 154-155-169-170-уйларда жойлашган, фойдаланиш майдони 331,13 кв.м., тураржой майдони 163,39 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 550 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 7 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

875R/6

Хизматлар лицензияланган.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 7 июль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**I.** Сергели тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 июндаги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Барданкўл» ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган:

**1.** Умумий майдони 196 кв.м. бўлган, 0001-литердаги маъмурий бино.
***Бошланғич баҳоси — 89 525 048,65 сўм.***

**2.** Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган, 0002-литердаги қоровулхона.
***Бошланғич баҳоси — 9 384 237,10 сўм.***

**3.** Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган, 0003-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 16 043 470,10 сўм.***

**4.** Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган, 0004-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 25 346 349,72 сўм.***

**5.** Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 28 121 820,87 сўм.***

**6.** Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган, 0005-литердаги ёрдамчи бино.
***Бошланғич баҳоси — 4 624 155,90 сўм.***

**7.** Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган, 0006-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 76 147 513,30 сўм.***

**8.** Умумий майдони 169 кв.м. бўлган, 0007-литердаги ҳовуз.
***Бошланғич баҳоси — 26 844 153,70 сўм.***

**9.** Умумий майдони 442,75 кв.м. бўлган, 0008-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 109 778 803,33 сўм.***

**10.** Умумий майдони 10250 кв.м. бўлган ер участкаси.
***Бошланғич баҳоси — 259 299 274,98 сўм.***

**II.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2014 йил 3 апрелдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган қуйидаги кўчмас мулк ва 6 турдаги ускуналар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда:

**1.** Умумий фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.
***Бошланғич баҳоси — 4 202 142 877 сўм.***

**2.** Металл чўзадиган машина (волочильный стан 2) (R.B.D).
***Бошланғич баҳоси — 583 769 976 сўм.***

**3.** Металл чўзадиган машина (волочильный стан 1) (Rolling machine).
***Бошланғич баҳоси — 1 171 610 899 сўм.***

**4.** Экструдер (EXTRUDION VA -CHINE) QLVG-650.
***Бошланғич баҳоси — 448 974 980 сўм.***

**5.** «UPWARD CUSTING» русумли мис эритадиган печка.
***Бошланғич баҳоси — 889 398 055 сўм.***

**6.** «ZWICH ROeli Z020 RESISTOMAT» русумли электр жиҳози.
***Бошланғич баҳоси — 116 733 495 сўм.***

**7.** «DISEL GENERATOR AKSA model APD 550C» русумли дизель генератори.
***Бошланғич баҳоси — 126 655 414 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

879A/34

Хизматлар лицензияланган.


ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*АҚШнинг кийим-кечак савдоси билан шуғулланувчи "Gap" компанияси мамлакатда ва Европа давлатларида фаолият кўрсатаётган 175 та дўконини ёпмоқчи.*

## Даромадсиз дўконлар ёпилади




Бундай қарорга келинишига уларнинг айримларидан паст даромад олинаётгани, бир қисми эса ноқулай ҳудудларда жойлашгани сабаб бўлган.

"Gap" жаҳондаги энг йирик ритейлердан биридир. Унинг дунё бўйича уч мингдан ортиқ савдо нуқтаси мавжуд. Компания маъмурияти дўконлар ёпилиши туфайли бош қароргоҳдаги ходимлардан бир қисмини ишдан бўшатишни режалаштирган.

## Ўсиш суръати кутилганидек эмас

*Шу йилнинг май ойида Европада автомобиллар савдоси 1,4 фоиз ўсди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

Аммо бу кўрсаткич январдан апрелгача бўлган давр мобайнида қайд этилган натижадан сезиларли даражада кам. Чунки жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида ўсиш 8,1 фоизни ташкил қилган эди. Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси майдаги ҳолатни машиналар савдосида ижобий силжиш бошланганидан буён кузатилган энг паст кўрсаткич, дея баҳолади.

Изоҳланишича, бу хизмат кўрсатиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Гап шундаки, май ойида дам олиш кунлари нисбатан кўп бўлган. Табиийки, бу савдога салбий таъсир қилган.

## Йўлдаги хато оқибати

*Тунис пойтахтидан 60 километр жанубда жойлашган Эл-Фахс ва Бу-Арада аҳоли яшаш пунктлари ўртасида поезд ҳамда юк машинаси тўқнашиб кетди.*



Оқибатда 18 киши ҳаётдан кўз юмган, 98 киши тан жароҳати олган. Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилди.

Фожиа юк машинаси ҳайдовчисининг қўпол хатоси туфайли юз берган. У поезд келаётган вақтда тўхташ белгисига амал қилмай ҳаракатни давом эттириб, темир йўлни кесиб ўтмоқчи бўлган.

## Жазирамадан кейин ёғингарчилик

*Ўтган ҳафтада Япониянинг бир қатор префектураларида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида қарийб 780 киши шифохонага ётқизилди.*



Мамлакат ёнғин хавфсизлиги бошқармаси хабарига кўра, ноқулай об-ҳаво шароитидан, айниқса, Осака, Токио шаҳарлари ҳамда Саитама, Хёго, Аити префектуралари аҳолиси кўп азият чекди.

Ҳозирги пайтга келиб, ҳарорат мўътадиллашиб, бир қанча ҳудудларда ёмғир ёға бошлаган. Ёғингарчилик кучлилиги боис энди айрим префектураларда тошқинлар рўй бериб, ўпирилишлар кузатилиши мумкинлиги айтилмоқда.

## Тўйиб ухлашга нима етсин

*"The International Journal of Epidemiology" нашрида баён қилинишича, уйқу режимининг бузилиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи бир қанча омилларга йўл очаркан.*

Хусусан, мазкур ҳолат спиртли ичимликлар истеъмол қилишга мойилликни ошириши, ортиқча вазннинг пайдо бўлиши ёки чекишни ташлашга халал бериши мумкинлиги таъкидланган. Бу борада тадқиқот ўтказган мутахассислар бир неча йил давомида Дания ва Финляндияда яшовчи 35 минг кишининг саломатлигидаги ўзгаришларни кузатиб боришган. Якунда ухлаш тартибини бузганларнинг кўпчилигида юқоридаги каби салбий иллатларга мойиллик ортгани аниқланган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Яшин Хидировга падари бузруквори

**СОҲИБ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти жамоаси бош илмий ходим, санъатшунослик фанлари доктори Ильдар Аскадович Мухтаровга турмуш ўртоғи

**Флюра Ильхамовна МУХТАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Хитойда дунёдаги энг узун темир йўл линияси ишга туширилди. У мамлакат шимоли-шарқидаги Харбин шаҳрини Германиянинг Гамбург шаҳри билан боғлайди.

Фармацевтика:

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзфармсаноат” давлат-акциядорлик концерни томонидан фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар таклифи асосида бажарилаётган лойиҳаларнинг самарадорлиги мавзуига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

АНЖУМАН

Таъкидланганидек, мамлакатимиз фармацевтика саноатида инновацион технологиялар жорий қилиниб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ваҳолонки, истиқлолга қадар дори-дармон ва тиббиёт буюмларининг деярли барчаси четдан келтирилар, юртимиз фармацевтика бозоридаги маҳсулотларнинг атиги икки фоизигина маҳаллий корхоналарда тайёрланар эди. Боз устига, тизимда бор-йўғи иккита корхона, яъни “Ўзкимёфарм” ва “Ўзбиофарм” фаолият кўрсатарди, холос. Бугунги кунга келиб, “Ўзфармсаноат” ДАК таркибида учта илмий тадқиқот институти, бирлашмалар, 84 та ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд. Қолаверса, диагностика, тиббий техника воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айни пайтда дори препаратлари ва тиббиёт буюмлари тайёрлаш ҳуқуқига эга 146 та корхона ва муассаса фаолият юритмоқда. Уларнинг маҳсулотлари экспорт ҳам қилинаяпти.

Президентимизнинг жорий йил 4 мартдаги “2015 — 2019 йиллар учун ишлаб чиқаришнинг тузилмавий қайта тузилиши, замонавийлашиши ва диверсификациясини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони юртимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Дастурга асосан, жорий йилда инвестиция жалб қилиш йўналишида 49 та лойиҳа амалга оширилиб, улардан 23 таси йил охирига қадар якунланиши белгиланган. Анжуманда қайд этилганидек, соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур қабул қилинган бўлиб, унга кўра 17 та корхона негизида доривор ўсимликлардан дори-дармонлар, биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Доривор ўсимликлар етиштириш учун эса мамлакатимиз ҳудудидаги ўрмон хўжаликлари тасарруфидаги майдонлардан жойлар ажратилди. Мақсад — инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, маҳаллий хом ашё ҳисобига сифатли, табиий ва самарали, айни чоғда импорт ўрнини босувчи дори препаратлари ишлаб чиқаришдир.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши натижасида мустақил фикрловчи, кенг дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш умуммиллий мақсадга айланди. Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказларининг зиммасидаги асосий вазифа ҳам улардаги иқтидорни камол топтириш, ҳунар ўргатиш, санъатга қизиқиш уйғотишдан иборат.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Маҳорат сайқали

Айни пайтда биз фаолият юритаётган муассаса 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўнлаб иқтидорли ёшларни ўз атрофига бирлаштирган. Бу ерда 13 номдаги 30 та тўгарак ташкил этилган бўлиб, уларга 610 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинган. Иштирокчиларнинг 61 нафари кам таъминланган оила фарзандларидир.

Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш мақсадида турли тадбирлар, танловлар ташкил этиш марказимизда анъанага айланган. Ўзига хос синов ҳисобланган бундай баҳсларда ўқувчилар маҳорати, интеллектуал салоҳияти тўла намоён бўлаётир. Бинобарин, ўтган ўқув йили давомида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб кўрик-танлов ва тадбирлар ташкил этилиб, уларга икки мингдан зиёд истеъдодли ёшлар қамраб олинди.

Муассасамиз Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бадиий ижодиёт йўналишидаги марказлар услубчилари, тўгарак раҳбарларининг илғор тажрибаларини оммалаштириш, зарур ҳолларда амалий ёрдам бериш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратади. Бу борада умумтаълим мактаблари, шунингдек, маҳаллалар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Маълумки, ижодий рақобат бор жойда ташаббускорлик, янгича фикр ва ғоялар туғилади, ишда унум ва муваффақиятларга эришилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда нафақат ёшлар, балки тўгарак раҳбарлари, услубчилар, ижодий ходимлар ўртасида ҳам ташкил этилаётган танлов ва мусобақаларнинг аҳамияти катта. Чунончи, ўтган ўқув йилида “Энг яхши услубий қўлланма” танловига тақдим этилган 60 дан зиёд қўлланма ва тавсиянома муаллифларидан олти нафари ғолиб деб топилиб, уларнинг тажрибаси иш жараёнида фойдаланилмоқда. “Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари” кўрик танловида эса “Ёш доирачи” тўгараги раҳбари Шерзод Шукуров ғолибликни қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, ушбу тўгарак аъзолари мамлакатимиз ҳамда хорижда ташкил этилган бир қатор фестиваль ва танловларда муваффақиятли қатнашган.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори таълим тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш йўлидаги яна бир аҳамиятли ҳужжатдир. Шу асосда ҳудудлардаги “Баркамол авлод” марказларида чет тилларга ихтисослаштирилган тўгараклар фаолияти янада такомиллаштирилди. Ҳозир марказимизда йигирмадан зиёд ўқувчи махсус дастур асосида инглиз тилини ўрганмоқда. Келажакда ушбу тўгаракларни француз, немис, корейс, япон сингари хорижий тилларни ўргатиш ҳисобига кенгайтириш ниятидамиз.

Яқинда муассасамиз мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий мебель ҳамда жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Айни кунларда “Миллий рақс”, “Зарб”, “Ёш ижодкор”, “Йилнинг энг яхши услубчиси”, “Ёш қаламкаш” ҳамда “Ёш ҳунарманд” сингари кўрик-танловларни ўтказишга тараддуд кўрилмоқда. Бундай тадбирлар ҳам иқтидорли ёшларни аниқлашга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга имкон беради.

Хулоса ўрнида айтганда, буларнинг барчаси мамлакатимизда эртамиз эгаларининг комил инсон бўлиб улғайишларига қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

**Зокир ТОВБОЕВ,**
**Республика «Баркамол авлод» болалар бадиий ижодиёт маркази директори.**

Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида марказдаги тўгаракларга қатновчилар қамрови кенгайди. Ўз навбатида, янги гуруҳлар ташкил этилиб, машғулотлар мунтазамлиги таъминланмоқда.

ФЕСТИВАЛЬ

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Чимён оромгоҳи” соғломлаштириш марказида “Чимён садоси — 2015” экологик сайёҳлик фестивали бўлиб ўтди.*

# Табиат муҳофазасига муносиб ҳисса

Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари экофоруми, Ўзбекистон экстремал ва тоғ туризми федерацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбир доирасида “Биз — тоза Чимён учун” экологик акцияси ўтказилди.

Бундай ташаббус Чимён ҳудуди мусаффолигини таъминлаш, хусусан, маиший чиқиндилардан тозалаш, меҳмонлар ва дам олувчилар орасида атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масалаларида тушунтириш ишлари олиб боришда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Яна бир эътиборли жиҳати, бундай акцияларда қатнашиш истагини билдираётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётир.

Шу билан бирга Экоҳаракат ҳамкорлигида “Очиқ осмон остида экомактаб” машғулотлари ҳам ташкил этилди. Унда биохилмахилликни асрашга қаратилган қизиқарли ўйинлар ва танловлар ўтказилди. Бу эса қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**М. ҚОСИМОВ.**

# Янги музей ташкил этилди

МЕРОС

Хоразм Маъмун академияси қошида Хоразм тарихи ва маданияти музейи ташкил этилди. Бу ерда жамланган экспонатларнинг салмоқли қисми турли даврларга оид археологик топилмалар бўлиб, улар орасида тош ва суякдан ишланган меҳнат қуроллари, танга пуллар, муҳрдонлар, Навоийнинг “Хамса” асари тош босмаси ва бошқа нодир китоблар, сопол ҳайкалчалар, бронзадан ясалган тақинчоқлар бор.

Ушбу нодир ашёлар Хоразмда қадимий давлатчиликнинг вужудга келиши, Буюк Ипак йўли ва унинг аҳамияти ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, музейга ташриф буюрган киши мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилган улкан янгиланишлар ва қўлга киритилган ютуқлар тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўлади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ШИФОКОР



МАСЛАҲАТИ

*Маълумки, инсоният узоқ вақт қандли диабет касаллиги билан курашишда ожиз бўлиб, бу борадаги имкониятлари чекланган эди. Фақатгина 1922 йилнинг январида канадалик олим Фредерик Бантинг қандли диабет билан хасталанган 14 ёшли Леонард Томпсонга илк бор инсулин инъекциясини қўллаши натижасида бундай аянчли вазиятнинг кескин ўзгариши кузатилади.*

# Ишонч хасталикни енгади

XX асрнинг беқиёс кашфиёти туфайли инсон организмига глюкозанинг сингишини таъминлашга хизмат қиладиган ушбу гормонал восита миллионлаб одамлар ҳаётини сақлаб қолиш имкониятини вужудга келтирди. Фредерик Бантинг мазкур кашфиёти учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Халқаро экспертларнинг маълумотига кўра, мазкур касалликка чалинганлар сони дунё бўйича ҳар йили 5 — 7 фоиз ортиб бормоқда. Бу ҳолнинг узлуксиз суръатда ўсиб бориши Ер юзида юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиясининг бошланганини ҳам кўрсатади. Қандли диабет, аввало, қон таркибида глюкозанинг мунтазам ўсиб бориши билан тавсифланиб, у инсоннинг турли ёшида учраши, бутун ҳаёти давомида кечиши мумкин. Касалликнинг юзага келишига кўпинча ирсий омил, ортиқча вазн, носоғлом ҳаёт тарзи сабаб бўлади. Гарчи бу дардни тўлиқ даволаш имкони бўлмаса-да, инсулин туфайли касалликни назорат остига олиш мумкин. Диабетология соҳасидаги олимларнинг сўнгги йиллардаги муваффақиятлари мазкур хасталик оқибатида келиб чиқадиган муаммоларни ечишга ишонч билан қараш имкониятини беради.

Қандли диабет касаллигининг икки тури, яъни инсулинга қарам бўлган I турдаги ҳамда унга муҳтож бўлмаган II турдаги беморлари мавжуд. Дастлабки ҳолат кўпинча 30 ёшгача бўлганларда кечса, II тури аксарият ҳолларда кексаларда учрайди.

Аждодларида қандли диабетга дучор бўлганлар нафақат соғлом ва фаол ҳаёт тарзига амал қилиши, балки йилига икки марта қондаги қанд миқдорини текширтириб туриши лозим. Ушбу қоидаларга риоя қилинса, бундай хасталикка мутлақо чалинмаслик ҳам мумкин.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати мунтазам ошиб бориши турли касалликларнинг камайишига олиб келаяпти. Жумладан, қандли диабетдан азият чекувчи беморларни самарали ва замонавий воситалар билан даволаш имконияти кенгаймоқда. Ушбу хасталикнинг олдини олиш ва камайтиришга қаратилган кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Асосий мақсад, ташхис ва профилактик чоралар орқали касаллик келиб чиқишига йўл қўймаслик ҳамда асоратлари кучайишини чеклашдир.

**Дилфуза БЎРОНОВА,**
**тиббиёт фанлари номзоди, доцент.**

ЭЪЛОНЛАР

**Умумтаълим мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси**

томонидан 2015 йил 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг xtv.uz, 25 апрель куни «Маърифат» газетасининг 33 (8786)-сони ва «Халқ сўзи» газетасининг 82 (6265)-сонида 2015 йилда умумтаълим мактабларига замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва оргтехникалар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилган эди.

Мазкур эълондаги тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2015 йил 25 июнь куни соат 15.00 гача узайтирилди.

**Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:**
***Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.***

**Телефонлар:**
**(0-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35, 239-18-24.**
**Факс: (0-371) 239-89-58.**

857/432

*Фирма ва компания раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**тендер савдоларини эълон қилади**

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

**1.** Тендер комиссия ишчи органи номи ва манзили: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-тор кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 231-49-73, 255-78-24.**
**Факс: (+99871) 281-43-73 (74).**
**E-mail: umts@mvd.uz**

**2. Тендер савдоси предмети:**

- 57-сонли тендер «Оптик толали алоқа тармоғи орқали Ички ишлар вазирлигида электрон ҳужжат айланиши тизимини яратиш учун мослашувчан мултиплексорлаш рақамли тизими ва оптик мултиплексорлашнинг якуний ускуналари».
- 58-сонли тендер «Алоқа тизими анализатори».

**3.** Етказиб бериш шарти, муддати ва тўлов шарти юзасидан маълумотлар тендер савдолари бўйича тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

**4.** Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер иштирокчиларининг малакавий танлови ўтказилади.

**5.** Тендер ҳужжатларининг қиймати, тендер таклифларининг кафолатлаш суммаси ва уни тўлаш тартиби, тендер ҳужжатлари тўлови учун банк реквизитлари юзасидан маълумотлар тендер савдолари бўйича тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

**6.** Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — Тошкент вақти билан 2015 йил 20 июль куни соат 18.00 га қадар.

**7.** Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

878А/446

**«Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2015 йил 18 февралдаги 1563-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус тумани, «Такиркул» ОФЙда жойлашган, керамик ғишт ишлаб чиқарувчи технологик асбоб-ускуналар (жиҳозлар) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 278 400 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 21 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 17 июль куни соат 18.00.

Асбоб-ускуналар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.**
**Телефон: (0-361) 222-84-44.**
**Электрон почта: user14@inbox.uz**
**Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz**

*Гувоҳнома № 9506.*

871А/442

WWW.XS.UZ

Пойтахтимизда бокс бўйича 1999 — 2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати Ўзбекистон вакилларининг ёрқин ғалабаси билан якунланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5